



Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий газетаси
1990 йил 1 мартдан чиқа бошлаган.



Идора ҳаёти

№ 24 (737) 31.12.2023 | 18.07.1440

Жоме қайта бунёд этилди

2 декабрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Тошкент шаҳрида қайта қурилган “Искандархўжа” жоме масжидининг янги биноси очилиш маросимида иштирок этди.

Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари маросимда юртимизда диний-маърифий жабҳада амалга оширилаётган ислохотлар, янги масжидлар очиш, мавжудларини қайта қуриш ва таъмирлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани, уларда намозхонларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида сўз



юритди. Шунингдек, масжид қуриш ва обод этишнинг фазилатларини, қурилишда кўмакчи бўлган ҳомийлар, устаю муҳандислар, қурувчилар ва масжид қавми улуғ ажрларга эга бўлишларини баён этди.

Масжиднинг янги биноси қурилиши 2022 йил май ойида бошланган. Хонақоҳ ва айвонларда 5000

нафардан зиёд намозхон ибодатларни эмин-эркин адо этиши мумкин. Баландлиги 10 метр бўлган катта гумбаз, гумбазлар ва минора масжид кўркига кўрк қўшмоқда.

Замонавий таҳоратхонасида бир вақтнинг ўзида 100 дан зиёд киши фойдаланиши учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Ёмонликдан қайтариш

Ҳар бир мусулмон сақланиши лозим бўлган қалб касалликларидан бири кибрдир.

“Мутакаббир”, “кибр” ва “такаббур” сўзлари луғатда катталик маъносини билдириб, ўзини бошқалардан устун, катта ва афзал ҳисоблайдиган шахсга нисбатан қўлланилади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Қалбида зарра миқдорига кибр бўлган одам жаннатга кирмайди”**, дедилар. Бир киши: “Албатта, киши кийими ва пойабзали чиройли бўлишини хоҳлайди (бу ҳам кибрми?)” деб сўради. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни севади. Кибр ҳаққа унамаслик ва одамлар (қадри)ни пастга уришдир”**, дедилар (Имом Муслим, Имом Термизий, Имом Абу Довуд, Имом Ибн Можа ва Имом Аҳмад ривояти).

Мулла Али қори мазкур ҳадисни шарҳлаб: «Мазкур ривоятда келган “унамаслик”нинг луғавий маъноси “қаттиқ хурсанд

Мутакаббирларни Аллоҳ ёмон кўради

бўлиш”дир. Ҳадисдаги маъно эса, неъмат келганда туғёнга кетиш, Аллоҳ таолонинг ҳаққи (тавҳиди ва ибодати)ни инкор қилиш ҳамда ҳақиқат келганда кибрланиб қабул қилмасликдир», деган (“Мирқотул мафотиҳ”).

Имом Ғаззолий айтади: “Кибр — ўзини улуғ санаш ва бошқадан устун қўйиш. Саодатнинг калити хушёрлик ва фаҳм-фаросатдир. Бадбахтликнинг асоси эса, кибр ва ғафлатдир. Аллоҳ таоло зийрак кишиларнинг ҳидоятини ирода қилган ва қалбларини Исломга кенг очиб қўйган. Мутакаббирларнинг залолатини ирода қилган ва худди осмонга қўтарилаётган кимсанинг қалбидек тор ва танг қилиб қўйган”.

Кибрнинг сабаблари еттитадир: **1. Илм.** Илм эгаларининг айримлари мутакаббирлик дардига мубтало бўлади. Сабаби, илмига

махлиё бўлиб, ўзига юқори, ўзгаларга эса, паст назар билан қарай бошлайди. Шунингдек, нафси бузуқ ва ахлоқсиз кимсаларнинг илм эгаллаши ҳам мутакаббирликка сабаб бўлади.

Аслида илм кишига Раббиси ва ўз нафсини танишни ўргатади. Натижада илм эгаси камтар бўлиб, кибрдан узоқлашади. Аллоҳ таоло Фотир сурасининг 28-оятда: **«Албатта, Аллоҳдан Унинг олим бандаларигина кўрқадилар»**, деган.

2. Амал. Бу ҳар қандай амал билан бирга, ибодат ва зуҳдда ҳам намоеён бўлади. Дунё ишларида айрим мансабдорлар ҳамма ундан хабар олиб туриши, эҳтиёжларини қондириши, улуғлаши, юқоридан жой бўшатиши кабиларни истайди. Обид ва зоҳид эса, тақводор ва ибодатга мустаҳкам, дунёга муҳаббати йўқ, деб мақталишни ишташади.

6-7-бетларда

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ 26 ноябрь. Халқаро мусулмон уламолари кенгашининг Бош котиби, доктор Али Мухйиддин Қорадоғий Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларига мазкур нуфузли халқаро кенгаш сафига қўшилганини тасдиқловчи аъзолик шаҳодатномасини тақдим этди.

✓ 26 ноябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Шимолий Кавказ мусулмонларини мувофиқлаштириш маркази раиси, муфтий Шайх Исмоил Бердиев томонидан “Умнат олдидаги хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

✓ 28 ноябрь. Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиеъти қозиси ўринбосари ва “Имом Эшон Муҳаммад” жоме масжиди имом-хатиби вазифаларида меҳнат қилаётган Баҳрамадин домла Разов Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиеъти қозиси этиб тайинланди.

✓ 29 ноябрь. Пойтахтимизда Туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамкорлигида нашрга тайёрланган “Юртимизнинг буюк донишманд алломалари” номли китоб тақдимоти бўлиб ўтди.

✓ 30 ноябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” хайрия жамоат фонди озиқ-овқат, мавсумий кийим-кечаклар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, санитария жиҳозлари ва бошқа зарур буюмларни Жиззах вилоятига жўнатди.

✓ 30 ноябрь. Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтининг “Ақоид ва фикҳий фанлар” кафедраси талаба-қизлар ўртасида “Замонамиз фақиҳалари” номли мусобақа ўтказди.

✓ 30 ноябрь. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказига Саудия Арабистони Подшоҳ Салмон номидаги Халқаро араб тили академияси Бош котибининг ўринбосари профессор Иброҳим Абанмай бошлиқ делегация ташриф буюрди. Учрашувда икки илмий муассаса ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

✓ 5 декабрь. Ўзбекистон мусулмонлари идорасида «Йил имоми — 2023» кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.

Хоҳлаганини ҳидоят қилур...

Айримлар зулм, фисқу фасод, қаллоблик каби қабих амалларни қилади-да, уялиш ўрнига мақтаниб, кибру ҳавога берилишади. Гуноҳ қилишнинг ўзи бир мусибат бўлса, у билан мақтаниш ундан ҳам оғирдир. Айни шу маъноларни қуйидаги ояти каримада кўрамиз:

«**Ахир (қилган) ёмон амали ўзига чиройли кўриниб, уни гўзал (амал) деб ўйлаган кимса** (Аллоҳ ҳақ йўлга ҳидоят қилган зот каби бўлурми)?! **Зотан, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсаларни йўлдан оздирур ва Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Бас,** (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **жонингиз уларнинг (иймон келтирмаганлари) устида ҳасрат-надоматлар чекмасин. Албатта, Аллоҳ уларнинг қилаётган ҳунарларини билгувчидир»** (Фотир сураси, 8-оят).

Ушбу оятдаги: «**Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсаларни йўлдан**

оздирур ва Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур» жумлаларидан: «Агар Аллоҳ таолонинг Ўзи ҳидоятга бошловчи ва йўлдан оздирувчи бўлса, инсон нима учун қиёматда сўроқ-савол қилинади?» деган савол пайдо бўлади. Унинг жавоби «**йўлдан оздирур**» ва «**ҳидоят қилур**» сўзларини ўрганиш орқали маълум бўлади.

«**Ҳидоят қилур**» ибораси эзгу йўлга бошлайди, солиҳ амалларга йўллаб қўяди, маъносида ифодаланади. Аллоҳ таолонинг муваффақият ва нажотга чорлаши бутун инсониятга дахлдордир. Ким Аллоҳ таолонинг ҳидоят чорловига кулоқ тутиб, бу йўлда бардавом бўлса, муваффақиятга эришади.

Аллоҳ таоло ҳидоят топган бандаларига шундай муомала қилади. Ҳидоят ва эзгу амалларга бошлаш билан бирга, нажот сари йўллаб қўяди.

Ушбу маъно Муҳаммад сурасининг 17-оятида қуйидагича баён қилинган: «**У зот ҳидоят топганларнинг ҳидоятини зиёда қилгай ва уларнинг тақволарини бергай...**» Бу оятга мувофиқ, Аллоҳ таоло ҳидоят топганларга ҳаромдан парҳез қилиш йўлларини кўрсатиб қўяди.

«**Йўлдан оздирур**» ибораси эса, тўғри йўлдан бош тортиш ва юз ўгириш сабабли залолатга

бошлаб қўяди, деган маънони англатади. Инсон Аллоҳ таолонинг ҳидоят чорловидан юз ўгириб, тўғри йўлга юрмаса, залолатга кетди. Гуноҳ-маъсият ботқоғига ботиб боради. Қалби тошдай қотиб, иймон нури кирмайди. Бундай инсонлар Куръони каримда қуйидагича тавсифланган: «**Уларнинг қалбларида касал бор. Аллоҳ касалларини зиёда қилди. Ва уларга ёлғон гапирганлари учун аламли азоб бор**» (Бақара сураси, 10-оят).

Дарҳақиқат, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қавмларини ҳидоят топишини жуда ҳам истардилар. Ҳатто улардан бири ҳидоятдан юз ўгирса, қаттиқ изтироб чекардилар. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга қавмнинг иймон келтирмагани учун жонингизни қийнаб ҳасрат-надоматлар чекманг, деб тасалли берган.

Шу билан бирга, Аллоҳ таоло қавмни огоҳлантириб бундай деган: «**Батаҳқиқ сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларнинг машаққат чекишингиз унинг учун оғир бўлган, сизнинг (содатга етишингизга) ташна, мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган Пайғамбар келди**» (Тавба сураси, 128-оят).



«**Албатта, Аллоҳ уларнинг қилаётган ҳунарларини билгувчидир**». Ўзининг қабих амалларини чиройли санаб қабоҳат, зулм ва туғёнида давом этаётган инсонларнинг қилаётган ҳар бир ишидан Аллоҳ таоло хабардордир. Албатта, тез фурсатда уларни қилмишларига яраша жазолайди.

Манбалар асосида «Саййид Муҳйиддин махдум» ўрта махсус ислом билим юрти мударриси **Абдулазиз ФУРЗУЛОВ** тайёрлади.

Яхшиликка чақириш

Тафаккур – улуғ неъмат. Бу орқали инсон бутун борлиққа ақл назари билан боқади. Яратилган ҳар бир нарсанинг ўз вазифаси борлигини, жараёнларнинг бежизмаслигини англайди. Тонг отиши, кун ботиши, қуёшнинг чиқиши, юлдузларнинг осмонда порлаб туриши табиатдаги оддий ишлар эмас. Ҳар бир ҳодисанинг ўз вазифаси ҳамда яратилиш ҳикмати бор. Аллоҳ таоло Куръони каримда марҳамат қилади: «**Албатта, тун ва куннинг алмашиб туришида ҳамда осмонлар ва Ердаги Аллоҳ яратиб қўйган нарсаларда Аллоҳдан қўрқадиган қавм учун аломатлар бор**» (Юнус сураси, 6-оят).

Демак, Парвардигоридан қўрқадиганлар учун яратилган ҳар бир нарсада аломатлар бор. Улар Аллоҳ таолонинг яратувчилиги, чексиз қудрати ва ҳикмат соҳиби эканига далолат қилиб туради. Тафаккур қилишга ўргатади. Бошқа бир оятда: «**...Айтинг: «Кўзи кўр одам билан кўрувчи одам тенг бўлурми?» Бас, фикр юритмайсизми?»** (Анъом сураси, 50-оят) дея тафаккурга кенгрок, теранрок назар

солишга чақирилади.

Муғйра ибн Шўъба розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «**Иброҳим вафот этган кунда қуёш тутилди. Шунда одамлар Иброҳимнинг вафоти сабабли (қуёш) тутилди, деб айтишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қуёш ва ой Аллоҳ таолонинг аломатларидан икки аломатдир. На бировнинг вафоти ва на бировнинг туғилиши сабабли тутилмайди. Агар у иккиси (нинг тутилгани)ни кўрсангиз, Аллоҳ таолога дуо қилинг ва очилиб кетгунга қадар намоз ўқинг», дедилар** (Имом Бухорий ривояти).

Илгари инсонларда табиат ҳодисалари билан боғлиқ нотўғри эътиқодлар бўлган. Масалан, юлдуз учуши, қуёш ёки ойнинг тутилиши каби ишлар таниқли шахслар ўлими билан боғлиқ деб ҳисоблашар, ёмонликка йўйишар эди. Лекин суюкли Пайғамбаримиз бу ҳодисаларнинг кимнингдир ўлими ёки туғилишига умуман алоқаси йўқлигини таъкидладилар. Аксинча, бу ҳодиса ўтиб кетгунга қадар Аллоҳнинг азобидан паноҳ сўраб

намоз ўқиш, истиғфор айтиш, узоқ дуо қилиш лозимлигини таълим бердилар.

Хабарларда келтирилишича, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам қора булут яқинлашганини кўрганларида, азоб келишидан хавотирланиб, истиғфор айтиб, паноҳ тилар, ўша булутлар яхшилик, раҳмат, барака олиб келишини сўраб узоқ дуо қилар эдилар. Чунки қадимда ўтган баъзи умматлар устига азоб булут кўринишида келган: «**Бас, қачонки, улар ўша (азоб)ни ўз водийларига қараб келаётган бир (қора) булут ҳолида кўришгач: «Бу бизларга ёмғир келтирувчи булутдир», дедилар. Йўқ, ўзларингиз қистаган нарса бўрондирки, унда (сизларга аталган) аламли азоб бордир. У Парвардигорининг амри билан барча нарсани вайрон қилур. Бас, (у бўрон келиб) тонг отганида фақат уларнинг (қолдиқ) масканларигина кўзга ташланар эди. Биз жиноятчи кишиларни мана шундай жазолаймиз»** (Аҳқоф сураси, 24–25-оятлар).

Худ алайҳиссаломнинг қавми – Од қабиласи саркаш бўлиб, ўз пайғамбарларининг огоҳлантиришига назар-писанд қилмади. Аллоҳнинг азобига ишонишмади. Айни ёмғирга ташна бўлиб турганларида, уларга қора булут юборилди. Улар энди ёмғир ёғиб, серобчилик бўлади, деб суюнишди. Лекин қаттиқ адашишган эди. Яхшилик деб кутишган булутлари уларга азоб тўла шамолни олиб келди: етти кечаю саккиз кун кум остида қолишди. Сўнгра шамол ҳаммасини учириб бориб денгизга улоқтирди.

Демак, инсон Аллоҳ таолонинг белгилари бўлмиш – қуёш ва ой тутилганда ижтимоий тармоққа уланиб, шунчаки томошабин бўлиш ўрнига ҳушёр тортиши, ўтган қавмларнинг аянчли қисматидан ибрат олган ҳолда дуо, истиғфорни кўпайтириши лозим бўлади.

Фахриддин **МУҲАММАД НОСИР**, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти «Ислом тарихи ва ҳадис» кафедраси катта ўқитувчиси

Фатво сўрашдаги нозик жиҳатлар

Фатво сўрашнинг ўзига хос нозик жиҳатлари борки, ҳар бир мусулмон киши уларни ёдда сақлаши лозим. Бу борада Муҳаммад Тақий Усмоний ҳафизахуллоҳ қуйидагиларни айтади:

«Фатволар икки хил бўлади: замони ва маконидан қатъи назар, ўзгармас ҳамда замони ва маконига қараб ўзгариб турувчи фатволар.

Биринчи турдаги фатволарни даври ва манзилдан қатъи назар, ис-талган олимдан сўраш мумкин. Масалан, ҳамр ҳақида дунёнинг қайси нуқтасидан сўралмасин, ҳаммасига жавоб бир хил бўлади.

Иккинчи турдаги фатволарнинг жавоби эса савол туғилган давр ёки минтақадаги ҳолатга қараб фарқланади. Шунинг учун бундай саволлар бўйича ҳар ким ўзининг юртидаги муфтий ёки уламоларга (фатво марказларига) мурожаат қилишлари лозим. Чунки улар ўша минтақадаги савол билан боғлиқ ҳолат ва шароитлардан хабардор бўлишади. Бунга Ашраф Али Таҳонавий раҳимахуллоҳнинг тутган йўли яхши мисол бўлади.

Маълумки, ҳазрат Таҳонавий ҳанафий мазҳабининг йирик намо-яндаларидан бири бўлиб, уни Де-вбанд уламолари ўтган асрнинг му-жаддиди деб ҳисоблашади. Унинг ёзган китоблари мингдан ортади. Ҳиндистоннинг турли шаҳарларига тез-тез сафарлар уюштириб, одам-ларга ваъз-иршод қилиб, тўғри йўл-га чорлар эди. Мазкур йиғинларда

одамлар фикҳий масалаларда са-воллар бериб қолишса, уларга: «Буни мендан эмас, балки ўзингиз яшаб турган жойдаги олимлардан сўра-шингиз керак, дер эди. Нега? Бунинг учта сабаби бор.

Биринчидан, бу ердаги ҳолатни мендан кўра шу ернинг муфтийси ях-широқ билиши мумкин.

Иккинчидан, эҳтимол, менинг ижтиҳодим маҳаллий олимлар ижтиҳодига тўғри келмаслиги мум-кин. Агар мен бу масалада маҳаллий олимларнинг ижтиҳодига зид кела-диган жавобни берсам, одамларда ўзларининг олимларига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади, одамлар билан олимлари ўртасидаги алоқа-ларга путур етади. Шу боис ҳар бир ҳудуд аҳолиси ўзларининг олимла-ри этагини маҳкам тутишлари за-рур. Ўз навбатида, узоқдаги (хориж-лик) олимлар ҳам бирор мамлакат ёки шаҳар аҳолиси қалбида маҳал-лий олимларга нисбатан шубҳа-гу-мон, ишончсизлик уйғотмасликла-ри лозим.

Учинчидан, эҳтимол, бу масала-да менинг жавобим хато, маҳаллий муфтийнинг жавоби тўғри бўлиши мумкин. Шунинг учун мендан са-вол сўрашса, жавоб бериш ўрнига:

Ориф Амонов 1982 йили Бухоро вилоятида туғил-ган. 2007–2011 йилларда Мир Араб ўрта махсус ислом билим юртида таълим олган. 2019 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини битирган.

Ҳозир Ғиждувон шаҳридаги "Абдуллоҳиқ Ғиждувон-ний" жоме масжиди имом-хатиби ҳамда туман бош имом-хатиби бўлиб ишлайди.

Ориф АМОНОВ тайёрлади.



Дунё масжидлари

“Шайх Зайд” жоме масжиди

Меъморилик санъатининг дур-дона кўриниши, дунёнинг энг йи-рик масжидларидан бири ҳисоблан-ган ушбу масжид Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Абу Дабида жойлашган. Масжид унинг асосчи-си ва мамлакатнинг биринчи раҳба-ри Шайх Зайд ибн Султон Ол Наҳо-ён исми билан номланган. Қурилиш ишлари 1996 йилда бошланиб, 12 йил давом этган. Унда 3500 дан ортиқ дунёнинг 38 та қўшма корхоналари-нинг қурувчи, мутахассислари меҳнат қилган.

Масжиднинг расмий очилиши 2007 йилнинг Рамазон ойида бўлган. Масжид поклик рамзи бўлган оқ мар-мардан бунёд этилган. Масжиднинг меҳробига «Аллоҳнинг чиройли исм-лари бордир. Уни ўша (исм)лар би-лан атангиз! Унинг исмларида ҳақ-дан оғиб кетувчиларни қўяверингиз! (Улар) қилмишларига (яраша) жазо-ланурлар» (Аъроф сураси, 180-) ояти ҳамда қибла томон деворларига хат-тотлик усулида Аллоҳ таолонинг гўзал

исмлари қуфий ёзувида битилган.

Масжид 41 минг намозхон учун мўлжалланган. Умумий майдони 17 минг кв. метр бўлиб, унинг 82 та гумбази ва тўрт бурчагида 104 метр баландликдаги тўрт минораси бор. Жоме бош гумбазининг эни 32,6 метр, баландлиги эса 85 метр.

Масжид диаметри 10 метр, ба-ландлиги 15 метр, оғирлиги 12 тон-налик қандил («Гиннес рекордла-ри» китобига киритилган) ҳамда дунёдаги энг катта 47 тонналик (1200 га яқин тўқувчининг қўл меҳнати билан бир йил давоми-да тўқиган) гилам билан безатил-ган. Масжид минбари ҳам анча ба-ланд бўлиб, у 11 та зинадан иборат.

Фахриддин Шайзақов 1977 йили Зомин туманида туғилган. 1994–1998 йилларда Наманган шаҳридаги "Мулла Қирғиз" мадрасасини битирган. 2015 йилдан бери Жиззах шаҳар "Қалия" жоме масжиди имом-ха-тиби ҳамда 2018 йилдан буён Жиззах шаҳар бош имом-хатиби бўлиб ишлайди.

Фахриддин ШАЙЗАҚОВ тайёрлади.



Жомеда ҳафтада беш кун кутубхона ҳам фаолият юритади.

2008 йил масжид хузурида «Шайх Зайд» жоме масжиди маркази ташкил этилди. Илмий-тадқиқотлар олиб бориш, диний-маърифий журнал, газета ҳамда дарслик ва китоблар нашр этиш, аудио маҳсулотлар тайёрлаш ушбу марказнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Масжид кундузи қуёшда оқ ва тилла, кечкурун эса бошқа рангларда ярқираб туради. Масжид худудида Шайх Зайд ибн Султон Ол Наҳоённинг қабри жойлашган бўлиб, бу ерда куну тун Қуръон тиловати янграб туради.

Фахриддин ШАЙЗАҚОВ тайёрлади.

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Алдаб сотилган маҳсулотнинг пули ҳалолми?

ЖАВОБ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва сал-лам мусулмонларни умумий тарзда, савдогарларни эса хослаб ёлғондан қайтарган-лар. Рифоа розияллоҳу анҳу-дан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва сал-лам: «Эй тожирлар жамоа-си!» Албатта, тожирлар қиё-мат кунни фожир ҳолларида тирилурулар. Фақат Аллоҳ-га тақво қилган, яхшилик ва ростгўйликда қоим бўлганлар бундан мустасно», дедилар (Имом Термизий ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сотув-чи ва олувчи бир-бири билан келишиб олгунча ихтиёр ўз-ларидадир. Агар улар бир-би-рига рост гапириб, молининг айбини яширмай, савдолаш-са, уларга барака бўлади. Агар молнинг айбини яши-риб, бир-бирини алдаса, сав-додан барака кетади», деди-лар (Имом Бухорий ривояти).

САВОЛ: Нима учун эснаган-да оғиз қўл билан беркитилади?

ЖАВОБ: Эснаганда оғиз-ни қўл билан тўшиш – суннат. Абу Саид Худрий розиял-лоҳу анҳудан ривоят қили-нади. Расулуллоҳ соллалло-ҳу алайҳи ва саллам: «Агар бирингиз эснаса, қўлини оғзи-га қўйсин, чунки шайтон ки-ради», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Эснаганда оғизни чап қўлнинг орқаси ёки ўнг қўл-нинг кафти билан беркитиш одобдандир. Ҳадисларда эснаб овоз чиқарган одам-нинг устидан шайтон қули-ши ҳам айtilган.

САВОЛ: Жаноза намозини таҳоратсиз ўқиса бўладими?

ЖАВОБ: Йўқ. Жаноза намозини ҳам бошқа на-мозлар каби таҳорат билан ўқиш фарз. Беш вақт намоз-га нималар шарт қилинган бўлса, жанозага ҳам шулар шарт қилинади. Фақат жа-ноза бошқа намозлардан қи-роати, руку-саждаси ва му-айян вақти йўқлиги билан фарқланади. Жаноза намо-зига таяммум қилиб қўши-лиш вақт тигиз бўлган ҳолат-га тегишли, холос.

5-бетда

Ризқ ҳақида эътиқодимиз

“Ризқ” сўзи луғатда “неъмат, кунлик овқат, улуш, инъом” каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса, Аллоҳ таоло жонзотларга ейиш учун ато қилган нарса ризқ деб аталади.

Дунёдаги ҳамма жонзотларнинг ризқини Аллоҳ таоло олдиндан белгилаб қўйган. Белгилаб қўйилган ризқ зиёда ва кам бўлмайди. Ҳар бир тирик жон ўзига белгиланган ризқини тўлиқ олмасидан дунёдан ўтмайди. Чунки бу унинг насибасидир: **«Уларнинг дунё ҳаётидаги тирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталарида Биз тақсимлаганмиз»** (Зухруф сураси, 32-оят).

Ризқ Аллоҳ таолонинг қўлидадир: **«Ерда ўрмаловчи бирор нарса (жонзот) йўқки, унинг ризқи (таъминоти) Аллоҳнинг зиммасида бўлмаса! (У) унинг қароргоҳини ҳам, оромгоҳини ҳам билур. Ҳаммаси аниқ Китоб (Лавҳул маҳфуз)да (ёзилган) дир»** (Худ сураси, 6-оят).

Яъни, инсонларнинг ҳам, бошқа ҳайвонларнинг ҳам, умуман барча жонзотларнинг ризқини Аллоҳ таоло Ўз зиммасига олган. Шу ўринда ҳаром ҳам Аллоҳ таоло томонидан

берилган ризқ экан, нега уни еган одам жазо олиши керак, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Бу саволга жавоб шуки, ҳалолни қўйиб, ҳаромни танлагани учун жазоланади. Чунки Аллоҳ таоло бандаларига мутлақ (умумий) ризқни ваъда қилиб, уни ҳалол йўл билан топишга буюрган: **«Эй одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан тановул қилингиз»** (Бақара сураси, 168-оят).

Агар банда шайтон ва нафсига эргашиб, ризқни ҳаром йўл билан топишга уринса, Аллоҳ таоло унинг ризқини ҳаромдан қилиб қўяди. Шунга кўра, банда Аллоҳ таолонинг ризқини егани учун эмас, балки ўша ризқни ман этилган йўл билан қўлга киритгани учун жазоланади.

Сўфи Оллоҳёр бобомиз ризқ ҳақида қандай эътиқодда бўлишни қисқа ва лўнда қилиб баён этган:

Қидиргон бирла ризқинг
қатра тошмас,
Кетар қадринг, қадардин
ҳаргиз ошмас.

Ризқ ҳақидаги масала “Ақоидун Насафий”да қуйидагича

баён қилинган: “Ҳаром ҳам ризқдир. Ҳамма ўз ризқини хоҳ ҳалол бўлсин, хоҳ ҳаром, тўлатқис олади. Инсон ўз ризқини ея олмай қолиши ёки бошқа биров унинг ризқини еб қўйиши тасаввур ҳам қилинмайди”.

Яъни, бир бандага тақдир қилиб қўйилган нарсани бошқа биров устомонлик ёки айёрлик билан “илиб кетиши” мумкин эмас. Ҳар бир киши ўз ризқу насибасини, албатта, олади.

Ризқ мулк маъносида қўлланганда, уни бошқалар ҳам олиши мумкин: **«Улар ғайбий хабарларга (пайғамбарим Муҳаммад келтирган хабарларга) иймон келтирадиган, намозни баркамол ўқийдиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан (садақа ва) эҳсон қиладиганлардир»** (Бақара сураси, 3-оят).

Ушбу оятдаги ризқ қилиб берилган нарсалардан эҳсон қилишлари – уларга мулк қилиб берилган нарсалардан бошқаларга инфоқ-эҳсон қилишлари маъносини англатади.

Ибн Атоуллоҳ Сакандарий раҳматуллоҳи алайҳ “Ҳикамул Атоия”да айтади: “(Аллоҳ таолонинг) сенга етарлича ризқ

бериб, ҳаддиндан ошиб кетишинга сабаб бўладиган (нарсалар)ни сендан тўсиб туриши, сенга неъматларни тўлиқ қилиб берганидир”.

Шарҳ: Аллоҳ таолонинг бандаси етарлича жисмоний ва руҳий озуқаларни бериб, (банданинг нафси хоҳлаган) баъзи зоҳирий ва ботиний нарсаларни унга ато қилмаслиги аслида унга берилган тўлиқ неъмат ҳисобланади. Чунки тирикчилиги учун етарли нарсани топа олмаслик кишини бандалар олдида хорланишига сабаб бўлса, туғёнга кетказадиган нарсаларнинг ато қилиниши унинг дунёсини ҳам, охиратини ҳам бой беришига сабаб бўлади. Шунинг учун кимга тирикчилигига етарли нарсалар берилган ва туғёнга кетказадиган нарсалар берилмаган бўлса, унга неъматлар тўлиқ қилиб берилган бўлади.

Абдулқодир АБДУРРАҲИМ,
Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институти
Ақоид ва фикҳий фанлар кафедраси
доценти, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Биласизми?

Манбаларда ваҳийнинг 7 хил услубда келгани айтилади.

1. Содиқ (рост) туш.

Ойша розияллоху анҳо ривоят қилишича, Расули акрам солаллоху алайҳи ва саллам қандай туш кўрмасинлар, ҳаётда тонгги шафақдек очиқ-ойдин рўёбга чиқарди.

2. Аллоҳ ваҳийсининг фаришта восита бўлмасидан Расулуллоҳнинг қалбларига жо бўлиши.

3. Фариштанинг инсон қиёфасига кириб, Расулуллоҳга ҳамманинг кўзи олдида ваҳийни талқин этиши. Ривоят қилинишича, Жаброил алайҳиссалом кўпин

ча саҳобийларнинг энг хушсурати бўлган Дихятул Калбий розияллоху анҳунинг қиёфасида кўринар эдилар.

4. Жаброил алайҳиссаломнинг Расулуллоҳ солаллоху алайҳи ва салламга кўнғироқ овозига ўхшаш жарангдор овоз билан хитоб қилиши. Бу овоз Жаброил алайҳиссалом қанотларининг овози бўлиши ҳам мумкин. Бундай овозни эшитганларида Расулуллоҳнинг қалблари кўркувдан титрар эди. Ваҳийнинг ниҳоятда оғирлиги ёнларидаги кишиларга ҳам

сезиларди. Масалан, Арафотда Моида сурасининг баъзи оятлари нозил бўлганда, Расулуллоҳ туяда эдилар. Туя оғирликни кўтаролмай чўкиб қолган.

5. Жаброил алайҳиссаломнинг ўз қиёфаларида кўринишлари. У икки марта шундай кўринган. Биринчиси, Ҳиро ғорида, иккинчиси эса, Меърож кечаси Сидратул мунтаҳода рўй берган.

6. Меърож кечасида беш вақт намознинг бевосита фарз қилиниши.

7. Юзма-юз пардасиз гаплашиш.

Меърож кечасида Аллоҳ таоло Ўз Ҳабиби билан бевосита гаплашган.



Янгилик

Яқинда Шофиркон тумани, Улуғхўжа қишлоғидаги “Шайх Дарвеш” масжиди қайтадан бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Ушбу жоме бундан юз йил аввал қурилган бўлиб, мамлакатимиздаги кўхна масжидлардан саналади. Ўтган даврда мазкур иншоот бир неча марта таъмирланган. У нафақат Улуғхўжа, балки атрофдаги Арабхона, Додбоғни, Чандир, Чиғилбак, Саврак,

Читгарон каби ўндан зиёд қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиб келди. Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг диний-маърифий соҳага қаратаётган алоҳида эътиборлари туфайли намозхонлар сафи ҳам кенгайиб борди. Натижада мазкур масжид бироз кичиклик қилиб қолди. Шу боис бинони замонавий тарзда қайтадан қуриш фикрига келинди.

Эндиликда икки қаватли ҳар томонлама қулай, шинам ва кенг масжидда юртдошларимиз эмин-эркин ибодат қилишмоқда. Энг муҳими, намозхонлар учун барча қулайликлар яратилган.

Шу ўринда имом-домлаларимиз томонидан манфаатли маърузалар, ота-оналар, ёшларимизга насиҳатлар қилинаётгани,

қолаверса, ибодатларимизни ўз вақтида ҳар жиҳатдан тўқис амалга ошираётганимизни алоҳида айтиб ўтишимиз лозим.

Ишонамизки, янги масжидимиз динимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги, юртимиз осойишталиги йўлида хизмат қилади.

Ҳаким ТОҲИРОВ,
Шофиркон тумани

Масжиднинг янги биноси

Намозда аланглаш шайтонга

итоатдир

Ойша розияллоху анҳо ривоят қилади: «Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан намозда у ёқ-бу ёққа аланглаш ҳақида сўрадим. У зот: **“У шайтон банданинг намозидан уриб қолишидир”**, дедилар» (Имом Бухорий, Имом Абу Довуд, Имом Термизий ва Имом Насойй ривояти).

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Анас ибн Молик розияллоху анҳу айтади: «Набий соллаллоху алайҳи ва саллам менга: **“Эй болам, намозда у ёқ-бу ёққа аланглама. Чунки намозда аланглаш ҳалокатдир...”** дедилар».

Аланглашни “уриб қолиш”, “ўғирлаш” деб изоҳлаш ўта бағоятли сўздир. Унда намозхонни ибратга қизиқтириш бор. Имом Тийбий айтади: “Ўша ҳаракатнинг ёмонлигини тасвирлаш учун уриб қолиш деб номланди. Чунки намозхон намозда Раббисига юзланади. Шайтон эса, уни шу нарсдан чалғитиш

учун пайт пойлаб туради. Қачон намозхон у ёқ-бу ёққа аланглайдиган бўлса, шайтон фурсатдан фойдаланиб, унинг ўша ҳолатини ўғирлайди”. Бошқалар айтади: “Шайтон намозхонни ҳеч бир заруратсиз у ёқ-бу ёққа аланглашиш орқали намоздан чалғитишга урингани учун уриб қолувчига ўхшатишмоқда”.

“Намозда аланглаш ҳалокатдир” дейилишининг сабаби шуки, намозда қалбнинг чалғиши шайтонга бўйсунуш бўлганидандир.

Абу Зар розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Модомики банда намозида у ёқ-бу ёққа алангламас экан, Аллоҳ азза ва жалла унга иқбол қилишдан тўхтамайди. Қачон аланглай бошласа, (Аллоҳ ҳам) ундан**

юз ўғиради”, дедилар (Имом Абу Довуд ва Имом Насойй ривояти).

Шу маънони назарда тутган ҳолда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам энг улуғ ибодатдаги аланглашни ҳалокат дедилар.

Бирор сабаб ёки зарурат юзасидан намозда у ёқ-бу ёққа қараш ҳоллари бундан мустасно. Абу Бакр розияллоху анҳу имом бўлиб одамларга намоз ўқиб бераётганида, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам чиқиб қолармикан, деган умид билан у зотнинг ҳужралари томонга қараб-қараб қўяр эди.

Аммо бирор жиддий сабабсиз намозхоннинг кўкси қибладан тўлиқ буриладиган бўлса, намози бузилади.

Манбалар асосида Андижон шаҳар “Хонақо” жоме масжиди имом-хатиби Салимжон ШОКИРОВ тайёрлади.

Салимжон Шокиров 1970 йил Андижон шаҳрида туғилган. Андижон вилоятидаги “Саййид Муҳйиддин Маҳдум” мадрасасини битирган. 2006-2014 йилларда Андижон шаҳар “Хонақо” жоме масжидида имом ноиби бўлди, 2014 йилдан буён ушбу жоменинг имом-хатиби бўлиб ишлаб келмоқда.



Фикҳ

1. Такбири таҳрима пайтида (агар совуқ ёки бошқа узр бўлмаса) қўлларни енгдан чиқариб олиш. Аёллар чиқармайди.

2. Қиёмда нигоҳни сажда ўрнига, рукуда оёқнинг устига, саждада бурунга, қаъдада сонга, салом бераётганда елкаларга қаратиб туриш.

3. Имкон борича йўтални қайтариш.

4. Эсноқ келганида оғизни ёпиш. Бунинг учун тишни тишга қўйиб, оғизни маҳкам юмишга ҳаракат қилиш керак. Бунга кучи етмаса, чап қўл кафтининг орқаси билан оғзини тўсади. Фақат қиёмда ўнг қўл кафтининг орқаси билан тўсади.

5. Қаъдада Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳунинг ташаҳхудига бирор нарса қўшмай ёки қамайтирмай ўқиш.

6. Витрининг кунутида **“Аллоҳумма инна настаъийнука ва настағфирука...”** деб бошладиган ёки ушбу дуони ўқиш: **“Аллоҳуммаҳдина фийман ҳадайти ва ғаафина фийман ғаафайта ва таваллана фийман таваллайта ва баарик лана фийма аътойта ва қина шарро маа қозойта. Иннака тақзий ва лаа юқзо ғалайқа ва иннаҳу лаа язиллу ман ваалайта ва ла язиззу ман ғадайти табаарокта Роббана ва тағалайта**

Намознинг одоб ва мустаҳаблари

настағфирука ва натубу илайка ва соллалоҳу ғала саййидина Муҳаммад ва алиҳи ва соҳбиҳи васаллим” (“Мароқил фалоҳ”, 230-б.)

Агар Кунут дуосини билмаса, “Аллоҳуммағфирлий”ни уч марта айтади ёки **“Роббана атина фид дуня ҳасанатан ва фил ахироти ҳасанатан вақина ғазаабан наар”**ни ёки “я Робби, я Робби, я Робби”ни уч марта ўқийди. Лекин Кунут дуосини ёдламоғи зарурдир. (“Таҳтовий”, 231-б.)

Саждаи саҳвнинг вожиб бўлиш сабаблари

Саждаи саҳв кўпинча куйидаги сабаблар билан вожиб бўлади:

1. Намознинг фарзларидан би-рортасини эсдан чиқариб, ўз ўрнидан муқаддам (илгари) қилиш, масалан, Фотиҳа сурасини ўқишдан олдин руку қилиш ёки замсурадан олдин руку қилиш.

2. Намознинг фарзларидан бири-ни кечиктириш, масалан, ҳаёл билан бўлиб саждани кечиктириш ёки аввалги қаъдада ташаҳхуддан сўнг

салавотни ўқиб, учинчи ракатга туришни кечиктириш.

3. Адашиб бирор фарзни такрор бажариб қўйиш, масалан, уч маротаба сажда қилиш.

4. Намознинг бирор вожибини унутиб тарк қилиш, масалан, тўрт ёки уч ракатли намозларда аввалги қаъдада ўтирмаслик ёки аввалги қаъдада ташаҳхудни ўқимаслик.

5. Бирор вожибни ўз ўрнидан илгари бажариш, масалан, замсурани Фотиҳадан олдин ўқиш.

6. Бирор вожибни ўз ўрнидан кечиктириш, масалан, Фотиҳани замсурадан кейин ўқиш.

7. Бирор вожибни адо қилишда бир рукн миқдорда кечиктириш, масалан, қаъдада аввал бирор нарсани қироат қилиб, ундан сўнг Аттаҳийятни ўқиш.

8. Адашиб бирор вожибни такрор бажариш, масалан, Кунут дуосини икки маротаба ўқиш.

9. Бирор вожибни ўзгартириш, масалан, жаҳрий намозда оҳиста ёки маҳфий намозда жаҳрий қироат қилиш (“Фатҳул Қодир”, 1-ж, 439-б; “Фатавои Оламгирия”, 1-ж, 126-б.)

Ёрқинжон ФОЗИЛОВнинг “Саждаи саҳв масалалари” китобидан

Масала

3-бетда

САВОЛ: Ҳаёлга келадиган ёмон фикрлар иймонга зарар қилмайдими?

ЖАВОБ: Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бир неча киши келиб у зотга: “Кўнглимизга шундай нарсалар келадик, буларни айтишни жуда оғир (гуноҳ) деб биламиз”, дейишди. У зот: **“Ҳақиқатан ҳам шундай бўлгандими?”** дедилар. Улар “Ҳа”, дейишди. У зот: **“Ана ўша айни иймондир”**, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Бировингизга шайтон келиб: “Анавини ким яратган, манавини ким яратган?” деяверади, охири “Раббингни ким яратган?” дейди. Ана шунгача етиб келса, (ўша одам) Аллоҳдан (“Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм” деб) паноҳ сўрасин ва тўхтасин”**, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Қалбдаги васвасалар тилга кўчмаса, амалга оширилмаса, гуноҳ бўлмайди. Ёмон ҳаёллардан қутулиш учун Аллоҳдан паноҳ сўраш, зикрulloхни кўпайтириш зарур.

САВОЛ: Насияга олинган машинани сотиб, пулини тижоратга ишлатиш жоизми?

ЖАВОБ: Ҳа, насияга олинган машинани сотиб, пулини ишлатиш жоиз. Насияга сотиб олинган нарсанинг пули тўлиқ берилмаган бўлса-да, харидорнинг мулки бўлади. Харидор келишилган муддатда унинг қолган пулини тўлаши лозим. Зиммадаги узилмаган қарзлар қиёматда савоблар билан тўланади. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Бойнинг (қарзни узмай) чўзиб юриши зулмдир”**, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Насияга олинган нарсанинг пулини тўламай туриб уни сотувчига ё унинг вакилига арзонроқ баҳода қайтадан сотиш мумкин эмас. Имом Абдураззоқ Ойша розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда ана шундай қилишдан очиқ-ойдин қайтарилган (“Фатҳу бобил иноя”).

7-бетда

Муфтий Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизаҳуллоҳ

Муфтий Муҳаммад Тақий Усманий 1943 йил 5 октябрда (ҳижрий 1362 йил 5-шаввол) Ҳиндистоннинг Саҳорнафур вилоятига қарашли Девбанд қишлоғида таваллуд топган. Насаб жиҳатдан Усмон ибн Аффон розияллоху анҳуга бориб тақалади. Оталари Муҳаммад Шафеъ Карачи (Покистон) дорилфунунида муфтий бўлган. Тақий Усманий оилада беш ака-уканинг кенжаси. У бошланғич илмни онасидан олади. Онаси унга урдучада ёзилган “Бешхатайи жавҳар” ва “Сўнги Пайғамбарнинг ҳаёти” китобларини ўқитади. Ота-онасидан урдуча ва форсчани ўрганади.

Муҳаммад Тақий Усманий 1958 йили Панжоб вилояти маъмурияти ўтказган араб тили имтиҳонидан аъло даражада ўтади. 1959 йилда Карачидаги “Дорул улум” ўқув юртида “Алим” курсини, 1961 йилда фикҳ ва фатвога ихтисослаштирилган махсус курсни тамомлайди. Шунингдек, 1964 йилда Карачи университетида Иқтисод ва сиёсат факультетида бакалавр, 1967 йилда ҳуқуқ бўйича бакалавр босқичини имтиёзли яқунлайди ва 1970 йилда Панжоб университетида араб адабиёти бўйича магистрлик даражасини қўлга киритади.

У киши бир қанча таниқли

уламолардан, хусусан, Муҳаммад Идрис, Муҳаммад Шофи, Қори Муҳаммад Таяб, Рошид Аҳмад Лудиванви, Зафар Аҳмад, Муҳаммад Закария, Абдул Фаттоҳ Абу Ғуддадан ҳадис ўргатиш бўйича ижоза олган.

Тақий Усманий Ислом шариатини ўргатиш ва татбиқ этиш бўйича катта тажрибага эга. Ислом молияси бўйича ҳам таниқли уламолардан.

Муфтий Муҳаммад Тақий Усманий 80 дан ортиқ китоблар муаллифи. Улар орасида Қуръони каримнинг инглиз ва урду тилларидаги тафсири ҳамда Имом Бухорийнинг “Саҳих”ига ёзилган араб тилидаги 6 жилдли шарҳи ҳам бор.

Ҳозирги кунда у киши Карачидаги “Дорул улум”да “Саҳихул Бухорий”, фикҳ ва Ислом иқтисодиётидан дарс беради. Шунингдек, қуйидаги лавозимларда ҳам ишлаб келмоқда:

- Покистон давлат банки шариат кенгаши раиси;
- “Дорул улум” олийгоҳида Вице-президент ва Шайхул ҳадис;
- Ислом молия муассасалари учун Бухгалтерия ва Аудиторлик Ташкилоти (AAOIFI) Халқаро Шариат стандарт кенгаши раиси;
- Халқаро Ислом фикҳи ака-

демиясининг доимий аъзоси ва Вице-президенти;

– Маккаи мукаррамадаги “Робитатул оламил исламий” ҳузуридаги Ислом фикҳи академияси аъзоси ва ҳоказо.

Асарлари

Муҳаммад Тақий Усманийнинг иқтисодиётга оид қуйидаги китоблари мавжуд:

- Ислом молиясига кириш (“An Introduction to Islamic Finance”);
- Тўртта мазҳаб бўйича савдо фикҳи (“Фикҳул буюъ ғалал мазаҳибил арбаъа”);
- Замоनावий фикҳий масалалар бўйича тадқиқотлар (“Бухус фий қазоё фикҳийя муъосира”);
- Рибо бўйича тарихий ҳукм (“The Historic Judgement on Interest”);

– Ислом банклари тарихига бир назар (урду тилида);

– Ислом ҳамда замоनावий иқтисод ва савдо (урду тилида);

– Ислом ва замоनावий иқтисодий масалалар (урду тилида);

– Фоизсиз банк масалалари бўйича тадқиқотлар ва муаммолар (урду тилида);

– PLS (Profit&Lost sharing) ҳисобининг ҳақиқати (урду тилида);

– Фоизга асосланган тизимнинг камчиликлари ва унинг муқобили (урду тилида) ва бошқалар.

Аллоҳ таоло муфтий Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизаҳуллоҳни ўз паноҳида асрасин, илмлари орқали умматга бундан-да кўп манфаатлари етишини насиб этсин!

@IslomMoliyasi канали асосида
Бекмурод ИСМОИЛОВ тайёрлади.

Бекмурод Исмоилов 1976 йили Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани Ўртақишлоқ қишлоғида таваллуд топган. 1996 йили Пайариқ туманидаги “Имом Бухорий” мадрасасини, 2023 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини тугатган. 1998–2009 йилларда “Ўртақишлоқ” жоме масжиди имом-хатиби, 2009–2017 йилларда “ад-Доромий” жоме масжиди имом-хатиби бўлиб ишлаган. 2017 йилдан бери “Тойлоқ ота” жоме масжиди ҳамда туман бош имом-хатибидир.



Ёмонликдан қайтариш

1-бетда

Дин ишларида эса, ўзидан бошқаларни адашганлар деб даъво қилишади.

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **«Қачон бир одамнинг “одамлар ҳалок бўлди”, деганини эшитсангиз, унинг ўзи энг ҳалок бўлгандир»**, деганлар (Имом Муслим ривояти).

3. Насл-насаб. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Кимнинг амали ортга тортса, унинг насаби олдинга сура олмайди”**, дедилар (Имом Муслим, Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Мўминнинг амали яхши бўлса, наслу насабига қарамай, олдинга, олий даражаларга кўтарилаверади. Амали ёмонлар эса, ортга кетади ва оқибати аянчли бўлади.

4. Хусни жамол. Бу одат аёлларда кўпроқ учрайди. Улар ўзларининг гўзаллиги билан фахрланиб, бошқаларнинг камчилигини гапиришни яхши кўришади.

5. Мол-мулк. Айрим кимсаларнинг исломий тарбия кўрмаганидан, камбағалроқ кишилар олдида пули ва моли дунёси билан

фахрланиши, кибрланиши гап-сўз, ҳатти-ҳаракат ва имо-ишорасидан аён бўлади.

6. Куч-қувват. Моддий-мансабий куч ва имкониятга эга бўлиш мутакаббирга кучсизлар устидан “сени у қилиб юбораман, бу қилиб юбораман”, деб пўписа қилишига журъат беради.

7. Ўз атрофидагилар билан кибрланиш. Қариндош-уруғ, ака-ука, фарзанд, шогирд ва хизматчилари, содда қилиб айтганда, тарафдорларининг кўплиги билан кибрланади.

Мазкур иллатларга мубтало кишилар Яратганнинг ҳақиқатига унамаётган ва одамларнинг қадрини ерга ураётган бўлади.

Кибр уч турга бўлинади:

1. Аллоҳ таолога кибр қилиш. Бундай кибр Намруд ва Фиръавн кибларнинг кибри бўлиб, улар Аллоҳ таолога банда бўлишдан бош тартади. Бу эса, энг ёмон кибрдир.

2. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламга кибр қилиш. Макка

мушриклари каби Пайғамбар алайҳиссаломга бўйсунмай, жоҳиллик ва саркашлик билан кибр қилишдир.

3. Бандаларга кибр қилиш. Ўзини бошқалардан афзал билиш ва уларга ҳақорат ва паст назар билан муносабатда бўлиш.

Имом Заҳабий ва бошқа уламолар кибрни гуноҳи кабира эканини таъкидлашган. Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 34-оятда: **«Фаришталарга: “Одамга сажда қилинглари!” деганимизни эсла. Бас, сажда қилдилар, фақатгина Иблис бош тортди, мутакаббирлик қилди ва кофирлардан бўлди»**, деган.

Иблисининг мутакаббирлиги Аллоҳ таолонинг ғзаби ва лаънати-га сабаб бўлди. Наҳл сурасининг 22–23-оятларида: **«Илоҳингиз ягона илоҳдир. Охиратга иймон келтирмайдиганларнинг қалблари инкор қилувчидир, ўзлари эса мутакаббирдирлар. Шубҳасиз, Аллоҳ нимани сир тутаётганларини**

ва нимани ошкор қилаётганларини биладир. Албатта, У мутакаббирларни ёмон кўради», дейилади.

Барча ошкора ва маҳфий ишлар Аллоҳга маълумдир. Шунингдек, Аллоҳ иймонсизларнинг қалблари ҳақиқатни инкор этаётганини ва улар мутакаббирлик қилаётганини ҳам билади.

Абдуллоҳ розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Қалбида бир дон ачитқи уриғи вазнича кибри бор одам жаннатга кирмайди”**, дедилар.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Қиёмат куни Аллоҳ уч тоифага гапирмайди, уларни покламайди ва уларга назар ҳам солмайди. Уларга алам-ли азоб бўлади: зинокор чол, каззоб подшоҳ ва мутакаббир камбағал”**, дедилар.

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Мутакаббирлар қиёмат куни кичик қизил чумоличаларга ўхшаган кишилар сувратида ҳашир қилинадилар. Уларни ҳар**

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи ва салламга нисбатан буюк садоқати, муҳаббати ва фидо-корлиги туфайли юксак даражаларга эришган. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам унинг ихлоси ва садоқати учун сиддиқ деб атаганлар.

“Сиддиқ” бу кўп тасдиқловчи, му- дом рост сўзловчи, сўзи амалига тўғри келувчи инсон дегани.

Абу Бакр розияллоху анху фа- зилатларини бир мақолада санаб чиқиш, барчасини баён қилиш им- консиз. У ниҳоятда олийжаноб, са- хий ва карамли инсон эди. Мо- лу давлатини Аллоҳ йўлида инфоқ қилар, айниқса, Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан ҳеч нарсасини аямас эди. Саҳобалардан ҳеч ким ўзининг моли ва дўстлиги ила Набий соллал- лоху алайҳи ва салламни қўллаб-қув- ватлашда Абу Бакр Сиддиқнинг да- ражасига етан эмас. Бу нарсани Расу- луллох соллаллоху алайҳи ва саллам- нинг ўзлари ҳам кўп марта эътироф этганлар.

Бир куни Набий соллаллоху алай- ҳи ва саллам бундай дедилар: **“Менга ҳеч кимнинг моли Абу Бакрнинг моли- чалик манфаатли бўлмаган”**. (Бу сўз- ни эшитиб) Абу Бакр йиғлаб юбор- ди ва: “Ахир, мен ҳам, молу давлатим ҳам аслида сизники-ку, ё Расулulloх!” деди (Имом Ибн Можа ривояти).

Абу Бакр розияллоху анху бизга ўхшаб: “Ҳа, энди, охиратга захира қиялпмизда, ё Расулulloх, дуо қилиб кўярсиз. Сизга ишлатмасак, кимга ҳам ишлатамиз!” дея ўз фазлини би- ринчи ўринга қўядиган, миннатомуз ва баландпарвоз гаплардан тийилди ва нимаики қилган бўлса бу ишлар- даги фазлни ўзидан эмас, Расулulloх- дан деб билди.

Ҳар қандай инсон уни яхши кўра- диган, унга нисбатан самимияти том, садоқати чексиз бўлган ва унга ни- маики яхшилик қилса оғринмасдан, севинч ила бажарадиган ва у сўзсиз итоат қиладиган мухлис ва содиқ дўстини яхши кўради ва унга ҳад- ди сиғади, бошқаларга айтолмаган

Ёмонликдан қайтариш

макондан хорлик қоплаб олган бўла- ди. Бас, улар жаҳаннамдаги Були- са номли қамоққа ҳайдаб борилади. Уларнинг устида оловларнинг олови бўлади. Улар аҳли дўзахнинг йирин- ги — тийнатул ҳабол ила суғорилади”, дедилар (Имом Термизий ривояти).

Кибр ҳалокатга олиб борувчи ил- лат бўлиб, мўмин ундан сақланиши лозим. Кибрни йўқотиш — фарзи айн.

Кибрни йўқотиш учун аввало бан- да ўзи ким эканини билиши ва Раб- бисини тўғри таниши керак. Банда

Абу Бакр Сиддиқнинг фазилатлари

хизмат ва юмушни унга бемалол айта- веради. Чунки биладики, дўсти охири- гача содиқ қолади, кўрсатаётган хиз- мати ва ёрдамлари учун оғринмайди, билъакс шодланади.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху Расулulloхга нисбатан ана шундай эди. Шу боис Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам энг оғир дамларда Абу Бакрни танладилар. Ахир, Мак- кадан Мадинага айнан Абу Бакр ро- зияллоху анху билан ҳижрат қилган- лари ҳам бежиз эмас эди.

Мушриклар таъқибидан қочиб ғор- га беркинган дамларида ҳам бу зот учинчилари Аллоҳ бўлган икки ки- шининг бири эди. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **«Агар унга ёрдам қилмасангиз (шуни билингки), куфр йўлини тутган кимсалар уни икки ки- шининг бири бўлган ҳолида (Макка- дан) ҳайдаб чиқарганларида Аллоҳ- нинг Ўзи унга нусрат бериб қўйган. Ўшанда икковлон ғорда бўлган пайт- ларида соҳибига: “Ғам чекма, шубҳа- сиз Аллоҳ биз билан биргадир” дер экан, Аллоҳ унинг устига хотиржам- лик туширди ва уни сизлар кўрмаган лашкарлар билан қўллаб қувватла- ди»** (Таъва сураси, 40-оят).

Мазкур ояти каримада Аллоҳ таоло Абу Бакр розияллоху анхуни Пайғам- барнинг соҳиби эканига гувоҳлик бер- ган ва уни “икки кишининг бири” дея гўзал васф билан таърифлаган.

Шунинг учун ҳам Умар розияллоху анху: “Учинчилари Аллоҳ бўлган икки кишининг биридан ким ҳам фазилат- да устун бўла оларди?!” дер эди.

Баъзи уламолар айтадиларки, саҳо- балар орасида Абу Бакрдан бошқа ҳеч кимга ҳам ота-онаси, ҳам фарзандла- ри ва фарзандларининг фарзандла- ри мусулмон бўлиб, Набий соллалло- ху алайҳи ва салламга саҳоба бўлиш бахти насиб этмаган.

Бир куни Набий соллаллоху алайҳи ва саллам Каъбаи муаззамани тавоф қилар эканлар Қурайш нодонлари у зотга озор бермоқчи бўлишди. Абу Бакру зотни ҳимоя қиламан деб, кал- так остида қолди. Оғзи-бурни қонга

ўз нафсини танисагина, хор ва арзи- мас эканини билади. Натижада асл бандалик камтарлик ва хокисорлик билангина вужудга келишини анг- лаб етади.

Шокирхон Тўрахонов 1986 йил Чуст шаҳрида туғилган. Наманган шаҳридаги “Мулла Қирғиз” ўрта махсус билим юртини битирган. 2008-2016 йилларда Чуст туманидаги “Уста Ўринбой” жоме масжидида имом-хатиб бўлган. 2022 йилдан буён Чуст шаҳридаги “Каттабобо” жоме масжидида имом ноиби бўлиб хизмат қилади.



беланди. Ҳушидан кетди ва уйига беҳуш ҳолда олиб кетишди. Абу Бакр- нинг қавми агар Абу Бакр ўладиган бўлса, уни шу кўйга солган Утба ибн Рабийъани ўлдиришга қасам ичишди. Абу Бакр ўзига келгач, биринчи бўлиб оғзидан чиққан сўз: “Расулulloхнинг аҳволлари қандай?” бўлди. Унга таом келтиришди. У Расулulloх соллалло- ху алайҳи ва саллам аҳволларини ўз кўзи билан кўриб, кўнгли таскин топ- магунча овқат ейишдан бош тортди...

Абу Бакр розияллоху анху йигир- ма нафар саҳобийни қуллик занжир- ларидан озод қилган ва бу иш учун қирқ минг динор олтинини сарфлаб юборган. Қирқ минг динор бу 170 кг олтин дегани. Бир динор тилла танга тақрибан 4,25 граммни ташкил қила- ди. 40000 x 4.25 = 170000 гр.

Абу Бакр розияллоху анхунинг нақадар саҳий ва олийжаноб бойлар- дан бўлганини шу биргина мисолдан тасаввур қилаверинг.

Олийжаноб, оқил ва карамли зот- лар жуда фаросатли ва ҳассос бўлади- лар. Улар яримта сўздан сўзловчининг истагини билиб оладилар. Боз устига сўзловчи унинг ҳабиби бўлса, бу яна- да ёрқинроқ кўринади.

Бир куни Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: “Эй Абу Бакр, Би- лол Аллоҳ йўлида азобланмоқда”, де- дилар. Бошқа сўз айтмадилар. Шуни озод қилсак яхши бўларди, нима дей- сан, имконинг борми, демадилар. Шу сўзнинг ўзидан Абу Бакр розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам ундан нимани хоҳлаётганла- рини англади ва ўша заҳоти уйига бо- риб, бир ратл¹ тилла олиб чиқди. Сўнг ўша маблағга Билолни сотиб олиб қул- ликдан озод қилди.

Алишер СУЛТОНХЎЖАЕВ

¹ Ратл бу қадимда қўлланган ўлчов бирликлар- дан бўлиб, турли жойда турлича ҳажмга эга бўлган. Ироқий ратл ҳанафий мазҳаби олим- ларига кўра 130 дирҳам, яъни 406.25 грамм- ни ташкил этган. Шомий ратл, яъни шом аҳолиси ишлатган ратл ҳанафий мазҳабида кўра 1875 гр бўлган. Миср ратли эса 449.28 граммдан иборат.

Аллоҳ таоло барчамизни кибрдан, мутакаббир бўлишдан асрасин!

Шокирхон ТўРАХОНОВ
тайёрлади.

Масала

5-бетда

САВОЛ: Ихтикор нима?

ЖАВОБ: Ихтикор луғатда нархни сунъ- ий ошириш мақсади- да маҳсулотни тўсиб қўйиш. Шариатда эса, таом ёки шунга ўхша- ган нарсаларни сотиб олиб, қиммат бўлгуни- га қадар сақлаб туриш- дир. Бундан кишилар зиён кўрса, ихтикор қилиш макруҳдир.

Расулulloх соллал- лоху алайҳи ва сал- лам: **“Ким бирор таом- ни қирқ кунгача ихти- кор қилса, у Аллоҳ тао- лодан, Аллоҳ таоло эса, ундан безор бўлибди”,** дедилар (Имом Аҳмад, Имом Абу Яъло ва Имом Ҳоким ривояти).

Дехқон ўз даласи- да етиштирган ҳоси- лини сақлаб туриши- да ва четдан олиб ке- линган маҳсулотлар- да ихтикор бўлмайди (“Ҳидоя”, “Мухтасарул Виқоя”).

САВОЛ: Айримлар авлиёларга атаб ҳўкиз, эчки ёки товуқ сўйиша- ди ёҳуд ширгуруч, шав- ла сингари таомлар- ни пиширишади. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Ҳар қан- дай жонлиқни Аллоҳ таолодан ўзгага атаб сўйиш мумкин эмас. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«У сизларга ўлимтик, қон, чўчқа гўшти ва Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган нарсаларни (қатъий) ҳаром қилди...»** (Бақа- ра сураси, 173-оят).

Ҳазрат Али розиял- лоху анху ривоят қи- лади. Расулulloх сол- лаллоху алайҳи ва саллам: **“Аллоҳдан ўз- гага атаб жонлиқ сўй- ган кишига Аллоҳнинг лаънати бўлсин”,** де- дилар (Имом Муслим ривояти).

Мусулмон инсон барча эҳтиёжлари ва нажотни фақат Ал- лоҳ таолодан сўраши лозим.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази.
Тел. 78-150-33-44



Кўхна Самарқандга милoddан аввалги асрларда асос солинган. У турли салтанат ҳамда цивилизациялар маркази, дунёнинг энг бетакрор ва равнақ топган пойтахтларидан бири бўлган.

Ушбу муаззам шаҳардан сон-саноксиз алломалар, буюк муҳаддислар етишиб чиққан. Айниқса, Амир Темур ҳукмронлиги даврида Самарқанд том маънода гуллаб-яшнаган ва жаҳоннинг илмий, маданий, сиёсий марказига айланган.

Бундан қарангки, Имом Нажмиддин Насафий ёзиб қолдирган манбаларда “Х” ҳарфидан “К” ҳарфигача таржимаи ҳоли келтирилган самарқандлик олимлар сони 1010 нафардан зиёдлиги таъкидланади.

Абу Лайс Самарқандий машҳур муҳаддислардан. Унинг “Танбеҳул ғофилан” китоби жаҳон китобхонлари томонидан алоҳида қадрланади.

Самарқанд – уламолар шаҳри

Шунингдек, Имом Доримийнинг шогирди Абу Имрон Исо ибн Умар ибн Аббос ибн Ҳамза Самарқандий, олим ва саёҳатчи Имом Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Самарқандий нафақат ўз даври, балки бугунги кун учун ҳам жуда долзарб бўлган манбалар ёзиб қолдирган.

Самарқандлик уламолар орасидан кўплаб фақиҳлар ҳам етишиб чиққан. Абу Мансур Мотуридий ақида ва фикр илми ривожига катта ҳисса қўшган.

Фақиҳ Аҳмад ибн Умар Абу Бакр Самарқандий Дамашқда яшаб, Қуръон нусхаларини ёздан кўчирар эди. Худди шундай машҳур тафсир муаллифи Айёший номи билан машҳур Муҳаммад ибн Масъуд Самарқандий ҳам

муҳаддис, табиб ва астрономлардан бўлган.

Алоуддин Самарқандий ва Нажибиддин Самарқандий эса Фаҳриддин Розийнинг замондоши ва табиби бўлган. У Ҳиротга мўғуллар кириб келганида ўлдирилган.

Ўрта асрларда дунёнинг энг кўзга кўринган астрономларидан бири Мирзо Улуғбекнинг шогирди машҳур астроном Қозизода Румийдир.

Машҳур сайёх Ибн Батута бу ҳақда бундай ёзди: “Самарқанд энг катта, энг яхши ва энг гўзал шаҳарлардан биридир. Унда улкан саройлар, муҳташам

бинолар ва Қусам ибн Аббос ибн Абдул Мутталибнинг қабри бор”.

“Муъжамул булдон” муаллифи Ёқут Ҳамавий: “Ер юзиде Самарқанддан кўра шарафли, гўзал ва кўркемроқ шаҳар йўқ”, дейди.

Ҳасан РАСУЛОВ,

Чилонзор тумани “Муҳсинхон тўра эшон” масжиди имом ноиб



Фарзандингизга ўқиб беринг

Макка сари...

Шундай қилиб, Иброҳим алайҳиссалом одамларни ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга даъват этиш учун бошқа шаҳарга йўл олди.

Иброҳим алайҳиссалом отаси билан видолашиб, Макка сари

* Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

Замзам қудуғи

Ёш Исмоил чанқади. Онаси унга сув бермоқчи бўлди, лекин сув йўқ. Тўрт томон ҳам биёбон. Ҳожар сув талабида Сафодан Марвагача ва Марвадан Сафогача қатнади. Фарзанди эса борган сари сувсираб бораверди. Ахийри Аллоҳ таоло Ҳожар ва Исмоилга нусрат берди. Қакраган ердан зилол сув отилиб чиқди. Бундан Исмоил

ҳам, Ҳожар ҳам қониб-қониб ичди. Сув шу қадар тотли ва муздек эдики, одам ичган сари ичаверарди. Бу эса машҳур Замзам қудуғи эди. Аллоҳ таоло Замзамга шу қадар барокат бердики, ундан Ер юзининг турли бурчакларидан келган миллионлаб одамлар ичса-да, камаймади. Аксинча, қудуқдан сув тўлиб чиқаверди. Бундан қарангки, орадан неча асрлар ўтса-да, бутун мусулмон уммати унга талпинади ва чанқоғини қондиради, қолаверса, дунё бўйлаб тарқатилади. Аммо қудуқнинг суви ҳажмига дахл қилолмайди.

Газетхон илҳами

Якка-ягона шох,
Ўзингсан раббим Аллоҳ,
Ўзингдан сўрар паноҳ,
Жаннатингга лойиқлар,
Жамолингга ошиқлар.

Бу дунёни ўйламас,
Гуноҳ ишга бўйламас.
Ёлғон сўзлар сўйламас,
Жаннатингга лойиқлар,
Жамолингга ошиқлар.

Эргашиб Муҳаммадга,
Эришиб кўп раҳматга,
Тайёрланар жаннатга,
Жаннатингга лойиқлар,
Жамолингга ошиқлар.

Содиқ дўст Абу Бакр,
Тилидан тушмас зикр,
Фақат сенда ўй, фикр,
Жаннатингга лойиқлар,
Жамолингга ошиқлар.

Жаннатингга лойиқлар

Подшоҳ йўқдур Умардек,
Одил бўлмас алардек.
Мисли жаннатий зардек,
Жаннатингга лойиқлар,
Жамолингга ошиқлар.

Бўлган Али, Усмонлар,
Ҳақда маҳкам тургонлар,
Динин ёйиб юргонлар,
Жаннатингга лойиқлар,
Жамолингга ошиқлар.

Азон айтганда Билол,
Яйради кўкда ҳилол,
Жаннатда ҳурларга хол,
Жаннатингга лойиқлар,
Жамолингга ошиқлар.

Онамиздур Ойша,
Ибрат бўлган ҳамиша,
Қалби тиниқ соф ишша,

Жаннатингга лойиқлар,
Жамолингга ошиқлар.

Қуръондур йўлдошимиз,
Ўчмағай қуёшимиз,
Тўртта мазҳаббошимиз,
Жаннатингга лойиқлар,
Жамолингга ошиқлар.

Имом Аъзам, Шофеийлар,
Имом Молик, Ҳанбалийлар.
Термизий, Бухорийлар,
Жаннатингга лойиқлар,
Жамолингга ошиқлар.

Ислом деб ҳозирланар,
Жаннатда хазиналар,
Мўмину мўминалар,
Жаннатингга лойиқлар,
Жамолингга ошиқлар.

Борлигиндан кўнгли тўқ,
Заррача гумони йўқ,
Бари зўр, ёмони йўқ,
Жаннатингга лойиқлар,
Жамолингга ошиқлар.

Ўраниб либосига,
Қалби лим ҳаёсига,
Таъриф йўқ қиёсига,
Жаннатингга лойиқлар,
Жамолингга ошиқлар.

Эркаклари нурлидур,
Аёллари ҳурлидур,
Ирқ, насаби турлидур,
Жаннатингга лойиқлар,
Жамолингга ошиқлар.

Бўлса Мағрибу Шомда,
Мусулмон деган номда,
Бўлар олий мақомда,
Жаннатингга лойиқлар,
Жамолингга ошиқлар.

Сайид АЛИ

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Шамсуддин Нур

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHBOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Jaloliddin HAMROQULOV
Obidjon QODIROV
Uyg'un G'OFUROV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURXONOV

Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIIDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
To'lqin SHERNAYEV
Musahhiha:
Zabo OMONOVA
Sahifalovchi:
Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi:
27.11.2023
Xulosa (№03-07/9137) olindi:
05.12.2023
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU
bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.650
227/23-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!